



Султон Кенесари кўзғолони



Ўрта Юз козок-туркларининг тузуми ва ўз-ўзини бошқаришига рус ҳукумати 1822 йилда барҳам берди. Кўшинларини пайдар-пай Ўрта Юзга жўнатиб турган рус-лар бу ерларда калъалар бунёд қилишга киришдилар.

Калъа қуриш мақсадида 1835 йилда руслар козокларнинг 10000 верст² ерини ўзиники қилиб олдилар. Султонлар ҳокимиятининг тугатилиши ва ерларни руслар томонидан зўрлаб тортиб олиниши халқнинг газабига сабаб бўлди. Ҳуқуқлари поймол қилинган одамларда фақат биргина йўл қолган эди: қуролланиб, русларга қарши қурашиш. Бу қурашнинг бошида Абилайхоннинг невараси Султон Кенесари Қосим турди. Кенесари отаси султон Қосимга (Абилайхоннинг ўғли) ўз уруги яшаётган Қўкчатов ва унинг атрофини русларга бўшатиб бермасликни тавсия қилди. Султон Қосим бу фикрни қабул қилди, аммо ёши бир жойга бориб қолганлиги сабабли русларга қарши ҳаракатни бошқаришга қурби етмади. Шунинг учун бу вазифани султон Кенесари ўз зиммасига олди. Укалари Сарижон ва Эсенгелдилар билан бирга оммани қуроллантириб, 1837 йил ноябрида Октовдаги ўрус калъаларига ҳужум уюштиришди. Бу пайтда Кичик Юзда Исатой бошчилигидаги исён хануз давом этмокда эди. Фақат руслар Кичик Юзда воқеалар соҳибига айланган ва алоқа йўлларини кесиб ташлаганликлари учун икки кўзғолон раҳбарлари ўзаро мулоқот қила олмадилар. Кенесари ўз қучларини 1838 йил кеч баҳорида Окмўладаги рус калъаларига ҳужумга йўналтирди. Руслар эса мужоҳидларга қарши Сибирь казакларини ҳужумга ташладилар. Кенесари ҳаракатда давом этди ва 1840 йили Тошкент билан Ғарбий Сибирни боғловчи савдо йўлида ўз

назоратини ўрнатди. Кенесарининг бу муваффақияти русларни жиддий ташвишга солиб қўйди. Руслар энди Оренбург ва Гаврий Сибирь йўналишларида ҳужумга ўтдилар ва Кенесарини Сирдарё томонга сиқиб бордилар. Кенесари бир томондан руслар билан урушди, иккинчи томондан халқни бирлашиб, қаршилиқ кўрсатишга, уюштишга даъват этди. Зулм ва асорат занжиридан қутулиш учун ўзини хон қилиб сайлашга халқни ундарди(Середа. Бунт қирғизского Султани Кенесари Касимова. «Вестник Европа», СПб, 1871, 657-6.). Оренбург бош волиси Обручев Петербургга: руслар даштдан қувилмоқда», - деб рапорт берди. Россия бош номири Неселрода Кенесари билан музокаралар бошлаш ва оқ подшо билан кўришиш юзасидан қилишиб олиш ҳақида буйруқ берди. Кенесари эса босиб олинган ўлкалардан руслар қилиб қетмагунча ҳеч қандай музокараларга қиршмаслигини билдирди. Россия ҳаракатдаги жанговар қисмларни қучайтиришга мажбур бўлди. Жанглар 1841 - 1843 йилларга ҳава этди. Кенесари бир ёндан Бухоро билан иттифок бўлса, бошқа томонда Қўқон хонлиги билан уруш олиб борди. Шу боис ҳава Бухоро амири Кенесарини салоҳият соҳиби, хон сифатида тан олган эди. 1842 йили Россия ташқи ишлар номири Горчаков Кенесарига қарши қўйилган Перовскийнинг ҳазо отрядини қучайтириш тарафдори бўлди. Оқ подшо Николай 1 ҳава янги тайинланган Оренбург волиси Обручовга кўзғолонни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳава бостириш қараклигини амр этди. 1843 йил 5 июнда Орскдан кўзгалган Лебедев қўмондонлигидаги ҳарбий қисм билан Тоболскдан қиккан Бисянов қисмлари Кенесарига қарши юриш бошладилар. 1844 йилга ҳава рақиблари Кенесарига жиддий зарар етқаза олмадилар. Лебедев муваффақиятсизликка уқраб, қекинишга тўғри қелди. Россияга содик султонлар билан ҳамақорликда 1800 аскар ва тўртта тўпга эга бўлган Дуниковский бошчилигидаги бошқа бир ҳарбий қисм Кенесарига қарши ҳужумга қиршди. Руслар ўзлари билан бирга бўлган қозок-турк жангчиларини ўз султонлари бошчилигида Кенесарига қарши қарокчиларча ҳужумга йўлладилар. Даштнинг афсонавий қаҳрамони Кенесари 1844 йилнинг 20-21 июлида бу қарокчи бирлиқларга ҳужум қилиб, уларга қакшатқич зарба берди. Уларнинг атиги 20 тасигина ҳонини асраб қололди. Мужоҳидлар бутун қуч-гайратини сарфлаб, жангларни қучайтирдилар. 1844 йил 12 июнда руслар билан Кенесарининг қучлари Бойқадам ботир бошчилигида бўлган жангда мағлубиятга уқради. 13 июнда шахсан Кенесари русларга қарши ҳужум уюштириб, Тобол дарёсидаги Уст-Уй қалъасини қўлга қиритди. 14 августда эса Адирли (Екатерина)даги қалъага 5000 аскар билан ҳужум қилиб, зафарга эришди(Середа. Бунт қирғизского Султани Кенесари Касимова. «Вестник Европа» СПб, 1871, 657-6.). Бу галабалар натижазида Кенесарининг шуҳрати янада ошиб қетди. Энди Хива хони ҳава уни қонуний хон деб таний бошлади. Тошқент атрофидаги қозоклар унинг ҳоқимиятини тан олганлиқларини билдириб, элчи юбордилар. Россия бу ерда мушқул бир аҳволга тушиб қолган эди. Рус ҳуқумати Кенесари билан битим тузиш ҳақида яна қарор қабул қилди. 1854 йил январида Обручев Кенесари(Смирнов. Султан Кенесари и Садиқа, - Ташқент: 1889, 9-6.) билан музоқара олиб бориш учун бир ҳайъат (бошлиқ Долгов, бош штаб қобити Герн ва Майдел) ташқил қилди. Хайъат Кенесарини 1842 йил май ойида асир олинган хотини Қулумжонни ва бошқа қариндошларини қайтаришни баҳона қилиб кўришишга ундади. 1845 йил майида Герн Кенесарининг хотинини топширди, аммо Кенесари ҳайъатни қабул қилмади. Хайъатнинг бошқа бир яширин вазифаси ҳава бор эди: доктор Майдел Дашт қасаллиқларини ўрганиши ва даволаш воситаларини, Долгов ва Гернлар эса Иргиз ва Тўрғай дарёлари ҳавзасида истехом қуриш учун қулай ҳойларни белгилаши қарак эди(Середа. Бунт қирғизского Султани Кенесари Касимова.

676-6.). Кенесарига Обручевнинг мактуби топширилди. Мактубда «Куръон асосларига таянган холда Русиянинг ҳокимиятини таниш» талаб килинарди. Кенесари шундай жавоб берди: «Бизнинг ҳукмдорингизга ва ҳукуматингизга тобе бўлишимизни истайсиз. Бир Аллохга ишонишимизни, факат динимиз фарқ қилишини ёзибсиз. Шуни билингки, бу фикрларингиз бизнинг тушунчамизга мос эмас. Сизга тобе бўлсам, Аллохнинг иродасига қарши турган бўламан. Унинг қазабидан қўрқаман, мусулмон ҳукмдорлари қаршида мулзам бўламан». Кенесари ушбу мактубда русларнинг тутуми (ўзини тутиши) ҳақида сўз очиб, шундай баён қилади: «Усталиқ билан оқ подшо менинг бувамга ўз ерининг ҳокими бўлиб қолишига сўз берди... Ҳозирги ҳукмдорлар (рус ҳукмдорлари - муаллиф) ота-боболаримизнинг ери бўлмиш - Ёсилсура, Ақтау, Ургат, Қорқарали, Қоринлиқ, Яркайин, Убогон, Тобол, Қушмурун, Хайан ва Турсакни қалъалар қуриш учун забот этдилар. Қандай қилиб эски ҳукмдорлар (рус ҳукмдорлари - муаллиф) ерни ўлчаш учун бирон-бир ўлчов топишмабди? Нахотки, қалъа иншооти қуриш учун ўрмон, жабр қилиш учун қувват топиша олмапти. Йўқ, аксинча, улар буларнинг ҳаммасига эга... Қучли ҳукмдорлар ҳимоясида ҳозирги қарбийлар ерларимизни босиб олмақда. Қалъалар қуриб, халқнинг ҳаловатини бузмақда. Бу иншоотлар қалажак учун эмас, қўз ўнгимиздаги ҳаёт учун қурилмақда. Ҳеч бир инсон бу дунёда абадий эмас. Факат бу ҳақсизлиқлар шаън ва шарафни ҳимоя қилиш ҳиссини уйғотади» (Середа. Бунт қирғизского Султани Кенесари Қасимова. 684 -685 б.: Асфендияров, Истори... 140-6.).

Бу мактубдан сўнг руслар Кенесарига қарши қарбий тадбирларни қескинлаштиришга қарор қилди. Рус қарбий қисмлари Сибирь ва Оренбург истрехкомларидан бир пайтда ҳужумга ўтдилар. Кенесарини таъқиб қилиб, даштда қалъалар бунёд қилишди (Макшеев. Исторический обзор, 125-6.). Улар Қоратог атрофини қўлга қиритдилар. Кенесари Қўққўл томон чекинди ва 1845 йил охиригача аввал қўлга қиритган ерларидан улоқтириб ташланди. 1846 йили руслар Кенесарини Олатов истрехкомига қисиб қўйди ва Урал, Иргиз, Қорабутқок дарёлари теваарагида қалъалар иншо қилишди. Олатовда Кенесари билан қирғизлар ўртасида ихтилофлар қикди. Қирғиз манаплари Кенесарини ўз ҳимоясига олишдан қўчидилар. Қирғиз манапларининг Жонтой ва Ўрмон бошчилигидаги қучлари билан Кенесари қучлари ўртасида жанглар бўлиб ўтди. Кенесари ва биродари Наврўзбой 1846 йили Чу дарёсининг юқори оқимида 3000 аскар билан асир олиниб, ваҳшийларча ўлдирилдилар (История Қирғизии, I, 303-б. Середага қўра (Бунт... 688-6) Қирғизларнинг дулат аймағи хиёнат қилиб, бошини Қарбий Сибирь бош волиларига ҳадя сифатида юборилган. Бенцинга биноан (98-6) Манап Хўжабек Тоштанбек ўғли томонидан ўлдирилган. У 98-бетда яна ёзади: «Бу ерда яна аниқ бир натижа гувоҳи бўламизки, Кенесари ўз биродари ва отаси қаби русларга қарши қурашда шаҳид бўлмади»). Русиянинг ашаддий душмани, турк даштида мустанкилик қураши рамзи Кенесари душманлари қўлида эмас, балки ўз қардошлари ва ирқдошлари қўлида вафот этди.

Унинг қураши русларга зўр сабоқ бўлди. Рус тарихчилари: «Бу мислсиз шахснинг ҳаёти шундай тугади. Ҳаёти ва фаолияти билан Ўрта Осиёда олиб борилиши лозим бўлган сиёсат йўлланмаси қизғиларидан Оренбург раҳбариятига дарс берди. Бу дарс хонлар мустанкилигини йўқ қилиш муҳимлигини белгилаб берди», - деб ёздилар. Унинг замондоши шоир Нишонбой ўз асарларида Кенесарининг ўлими Осиё дарвозалари қалитларини Русия қўлига ўтишига имкон берганлигини қайғули бир тарзда марсия тарзида баён этди (Середа. Бунт... 690-6.). Замонамиз тарихчилари Кенесари кўзголонини ўрганиб, бу ҳаракат мустанлақчилиқка қарши «миллий озодлик ҳаракати»

эканлигини таъкидлаб ўтдилар(Вяткин. Очерки истории Казахской ССР., Москва, 1941, 286-6.).

Кенесарини кейинчалик СССР тарихи билимдонлари турли тухматлар килиб, шаънини ерга уришга ҳаракат қилдилар. 1950 йил декабригача Кенесари «кахрамон, мустақиллик мужоҳиди» сифатида улугланган бўлса, 1950 йил 26 декабридан бошлаб, «Правда»да босилган бир мақоладан кейин «тескаричи», халқларни ажратувчи ва миллатнинг зарарқунандаси» сифатида баҳоланди(Hayit, Turkestan im XX Jahrh. 361-62-6.).

Профессор Бекмахон 1949 йили нашр этилган «XIX асрнинг 20 - 40 йилларида Козогистон» китоби Кенесарининг озодлик учун курашдаги қахрамонлиқларига баҳо берган. Советларнинг расмий тарих нашрлари «Козогистоннинг Русияга ихтиёрий қўшилганлиги» ҳақидаги янги фикрни халққа намойиш қилиш учун бу китобни таққлаб қўйдилар. Шу сабабли Султон Кенесари Қосим бошчилигидаги мустақиллик ҳаракатларига кейинчилиқ нотўғри баҳо берилди(Бекмаханов китобининг танқиди борасидаги ва Кенесари маҳкум қилинганлиги ҳақидаги тушунчалар учун қаранг: Бекмаханов Ергали. Справедливая критика при знании своих ошибок касающиеся книги Казахстан в 20-40 годм XIX века, серия историческая, No4, 1948; Обсуждение монографии Е. Бекмаханова, «Вестник АН Каз. ССР» (1948, No 3, 35-38-6.). Бекмаханов асарининг танқиди: К. Шарипова, По марксистки освещать история Казахстана, «Вестник АН Каз. ССР» 1949, No8, 13-22-6.; Шоинбаев Т. Против национали-стических извращений в советские время реакционного феодально-монархического движения Кенесари Касимова, Алма-Ата, 1951 215-6. Бундан ташқари Бекмаханов шахсан ўзи шундай ёзган эди: «Кенесари козок халқини бўғганлардан биридир», Казахстанская правда» 24.4.1951, 2-6., История Казахской ССР. 1, 320-6.: «Кенесари Козогистонни Русиядан ажратиб, Ўрта Осиёда феодал давлат козокхонлиги тузиш учун курашди. Фақат тарих қилдирагини орқага юритиш учун қилинган бу реакцион ҳаракат ҳеч қандай натижа бермади, чунки Кенесари хонлиқ яратмади.).

Кенесарининг ҳаракати, унинг ўғли Султон Содик томонидан Қўқон хонлиги мунтазам қўшини доирасида давом этди. Кенесари қатл қилинган, Чу дарёси атрофида яшаган унинг уругига мансуб 20000га яқин юрт (ўтов) Туркистон ва Қоратов шаҳарлари томон қўчиб кетди, яъни Қўқон хонлигидагиларга ватандош бўлди. Султон Содик Қўқон қўшинига «понсод» унвонида олинди ва русларга қарши курашди. Туркистон, Чимкент, Жиззах ва Ўзунгоч шаҳарлари ҳимоячиларининг олдинги сафида бўлди. Бу шаҳарлар таслим бўлган, Бухоро амирлигида русларга қарши курашни давом эттирди. Ўржар жангида ҳам иштирок этди. Амир Русиядан омонлик сўраганидан сўнг Абдулмалик (Бухоро шахзодаси), Бобобек ва Жўрабек қаби русларга қарши курашни давом эттирувчилар сафига қўшилди. У Нуротани ишғол қилиб, бу ердан туриб русларга ва амирга қарши курашди. Натижаси яхши тугамаган бир жангдан сўнг Ўрганчга кетди ва 1869 йил 10 январда шаҳарга етиб келди. 1870 йили руслар Хива хонлигига қарши юриши вақтида у 1200 аскар билан Қизилқум (чўл), Одам қирилган, Олтиқудук, сўнг эса Учўчоқда руслар билан жанг қилди. 1893 йил 10 майида русларга қарши жангда мағлубиятга учради. Султон Содик Хивага қайтиб борганида у ерда руслар билан хоннинг сулҳ тузиши уни қазаблантириб юборди. Кейин Марвга бориб, у ерда етти ой яшаб, сўнг Хиротга кетди. Хиротдан Қошқарга ўтиб, у ердаги ўртоғи Яқуббекнинг саркардалари сафига қўшилди. Яқуббекнинг ўлимидан сўнг ҳам хитойларга қарши курашни давом эттирди. Оғир ярадор ҳолида Ўшга келган Содик Тошкентга қақирилди. Биродарининг илтимоси билан фон Кауфман уни афв этди. Биродари 1865 йилда

Султон Содик кўшинини тарқ этиб, Русия хизматига кирган эди. Султон Содик умрининг охиригача Чимкентда яшади (Султон Содик исёни тафсилоти учун қаранг: Смирнов, Султони Кенесари ва Садиқ, 28-128-б., Barthold, II, 2, 406-6. Султон Содикни Сиддик Тўра ҳам дейишади. История Казахской ССР, 1, 352-б., Султон Содикни «Козок халқининг юзи» сифатида ҳам баҳолашди.).

Кенесарининг дўстларидан бири Шекти (баъзи манбаларда Чикти) уругидан Иззат Катибар эди. Шекти уруги Эмба дарёси юқори оқимида яшаб, 13 минг оиладан иборат эди. Уларни руслар ўз ерларидан суриб чиқаргач, Хива хонлиги чегараларига, Сирдарёнинг қуйи оқими ва Устюртга кўчиб бордилар. Иззат ва унинг уруги 1846 йилга қадар Кенесари билан бирга русларга қарши кураш олиб бордилар. Бундан сўнг Иззат то 1852 йилгача руслар билан иноқликда яшади. 1852 йилда бу уруг билан руслар орасида янгидан уруш бошланди. Руслар Иззат уругига қарши Кичик Юзнинг ўрта қисми вакил султони Арстон Жонтўрани юборди. 1855 йил 8 июлда Арстон Жонтўра бирликлари мағлубиятга учрагач, Иззатга қарши полковник Кузминский кўмондонлигидаги қисм юборилди. Кузминский 1856 йилгача бирон-бир муваффақиятли жанг қила олмади. Унинг қисми, асосан, кўчманчиларнинг ўтовларини ёндириш ва 42 минг бош молни мусодара қилишга эришди. 1856 - 1858 йилларда Плотников, Михайлов ва Деришев қўл остидаги рус қисмлари урушга кўшилдилар. Иззат ва унинг уруги 1858 йилга қелиб сулҳсўрашга мажбур бўлди. Шу билан Иззат Катибар бошчилигидаги исён ҳам ниятига етди. Қизиги шуки, 1845 йилда Русияга итоат қилгани учун Иззат Катибарга олтин медал берилган эди. Аммо русларнинг истилчилик, босқинчилик хатти-ҳаракатлари (1847 йилда ўруслар бу уругнинг 3500, 1853 йилда эса 8285 туясини тортиб олишди) Иззатнинг русларга қарши қуролли кўзголовини янада юқори босқичга кўтарди (Вяткин. Очерки истории, 307 - 310; (1865, 370 - 384 хулосада батафсил маълумот бор), История Казахской ССР, 345 - 347 б.).

Шекти қатта уругининг кичик бир тармоғи бошқиси Жонхўжанинг қуролли исёни ҳам Иззат кўзголови қаби бир ҳаракат эди. Улар Сирдарёнинг қуйи оқимида яшарди. Аввал Жонхўжа Хива хонлигига, кейинроқ Кўкон хонлигига қарши курашди. Руслар Оқмачитни ишғол қилган вақтда ҳам улар итоат қорона жим турдилар. Оренбург бош волиси Перовский Жонхўжадан Русия садокати ҳусусида қасамёд қилишни талаб қилганида, у бу ишдан бош тортди. Чунки у ўз уруги билан бирга мутлақо эркинликни истарди. Шунинг учун ҳам улар 1853 йилда Қорақумга кўчиб кетишди. Руслар уларни таъқиб қилиб боришди, натижада тўқнашувдан қочишнинг иложи қолмади. 1856 йили Жонхўжа Сирдарё бўйларидаги рус қалъаларига ҳужум уюштирди. Ариқ-баликдаги уруш майдонида Жонхўжа қўчлари мағлубиятга учради. Руслар Жонхўжага қарши султон Илкенни жўнатдилар. Жонхўжа тарафдорлари бутунлай қириб ташланди. Жонхўжа русларнинг қўлига тириклай тушишни хоҳламади. У жанг сўнгида қодири олдидаги бир тошга ўтириб, ўзини олди. Шу тарзда бу кўзголов ҳам бостирилди (Вяткин. Очерки истории, 302 - 307 б.: Н. Веселовский. Киргизский рассказ (мулла Халилбек Мамбетнинг «Рус лашқарларининг Туркистонда 1269 - 1272 [хижрий] йилларда қилган фўтухотлари» мавзусидаги қўлёзмасини тадқиқ қилган). Бу асарда Жонхўжа бошчилигидаги исён ҳам баён қилинган. Мусабой Жиров 1893 йили «Жонхўжа ботир» деган шеър ёзган, бу шеърнинг русча таржимаси Веселовский асарининг 72 - 82 саҳифаларида, қозокча-туркий матни эса 113 - 115 бетларда.).

XIX асрнинг 60 - 70 йилларидаги озодлик ҳаракатини руслар томонидан бостирилиши осон қўчди. Бу даврдаги энг машҳур кўзголовлардан бири 1869 йилги Урал-Тўрғай

ўлкасидаги кўзголов эди. 6 майда Чамансойда 20 000 га яқин маҳаллий киши рус қилди қалъасига бостириб қирди. Кўзголовга Хонғали Арслон раҳнамолик қилди Кўзголовнинг масъулияти козок-туркларнинг олчин уруги зиммасига тушди. Хонғали кўзголовчилар тарафидан «амир» қилиб сайланди. «Амир» уругнинг эркинлиги тимсоли эди. Ёрдам сўраб 1869 йил бошларида Хонғали бошчилигидаги бир хайъат Хивага юборилди. Хива хонлиги ёрдам беришга тайёр эди. Март ойида Хива хони Эмба дарёсидаги рус қалъасига қарши ҳарбий қисм жўнатди. Бироқ Туркистон бош волиси фон Кауфман Хива қисмларининг рус қалъасига ҳужуми Россия билан Хива орасида уруш ҳолатини билдиради, деган таҳдиди бу қисмни орқага қайтаришга мажбур қилди. 1869 йил июнь, июль ойларида руслар кўзголовчиларга қарши 10000 аскар юборди ва исён бостирилди. Тирик қолганлар Хивага қочди. Хива хони Хонғали Арслонга қочқоларни бошқариш ҳуқуқини берди.

1870 йил 15 мартда Мангишлокда исён бошланди. Сабаби рус ҳукумати вакили подполковник (ярбой) Рукин солиқларни оширишни режалаштирди. Гап шундаки, Эмба дарёсидаги ёзги ўтлоқларга солиқ тўлаганлигини кўрсатувчи белгиси борлар кўчиб кетиши мумкин, деган кўрсатма берилди. Халқ бундай «янгилик»ни қабул қилмади. Рукин қўл остидаги қалъа босиб олинди. Рукин ўзини ўлдирди. Кўзголов Петербургдагиларни ташвишга солиб қўйди. Чунки Хивани босиб олиш учун қизгин тайёргарлик кетаётганди. Шунинг учун кўзголовни факат Кавказ қисмлари қандай йўл билан бўлса ҳам бостиришлари керак эди. Мужоҳидларнинг миқдори апрель ойида тахминан 10000 кишига етди. Кавказ қисмлари (бир батальон, 8 отряд, тўплар, 2 та казак юзлиги) Мангишлок ярим оролига - қуруқликка чиққач, ўт очдилар. Кўзголов раҳбарларидан Иса Тилеңбай Хивага қочди. Дўсан Тожи эса асир тушди (История Казахской ССР, I, 396 - 400; Barthold, II, 2; 412 б. Хива хони кўзголовларга қўмақ бериш учун 1870 йил ёзида Маҳмуд Ниёз ва Ёрназар саркардалигида ҳарбий қисм жўнатди.).

Фарғона ўлкаси 1873 йилдан бошлаб русларга қарши ҳаракатнинг муҳим марказига айланди. Абдурахмон Офтобачи бошчилигидаги 1876 йилги кўзголов бостирилиб, Қўқон хонлиги Фарғона ўлкаси доирасидагина қолган бўлса ҳам халқ рус ҳокимиятини қаршилиқ кўрсатмасдан қабул қилишни истамади. Қўқон хонлигининг тикланиши учун 1885 йилга қадар 50га яқин хонликка даъвогар номзодлар майдонга чиқди. Бу даъвогарларнинг русларга аён бўлган қисми кетма-кет қатл қилинди. Кейинги вақтда, яъни 1885 йил февралда Ўш теъарағида, Андижон ва Марғилонда Дарвешхон Тўра бошчилигида халқ кўзгалди. Брянцев қўмондонлигидаги рус жазо отрядлари бу кўзголовни қонга ботирди (Ўзбекистон ССР тарихи, I, 2, 105-6.). Кўзголов қатнашчилари ваҳшийларча жазоланди. Мақсад Фарғона аҳолисига даҳшатли сабоқ бериш эди. Аммо руслар қай даражада ваҳшийлик қилсалар, оддий халқнинг шу даражада қазаби қайнади. Руслар халқнинг ҳамма қисмини бир қилда тинчлантира олмади. Баъзи ерларда 1889 йилгача ғалаёнлар давом этди.

Др. Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой ораллиғида" қитобидан